ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

15 сентябрь, сешанба 1998 йил №108(609)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

**Ушбу сонда:**

1 РОССИЯНИНГ БУГУНГИ ҲАЁТИ
2 ҚОНУН БАРЧА УЧУН БАРОБАР
3 ДИВИДЕНД ҚЎШИМЧА РАҒБАТ-КУ!...
4 УЛАРНИ ЯПОНИЯ ОЛҚИШЛАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

## ҚАРОРИ

### Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар, чегара ва ички қўшинлар сафларидан захирага бўшатиш ва фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари, чегара ва ички қўшинлари сафларидан захирага бўшатилсин.

2. 1971-1980 йилларда туғилган, чақириқ муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 1998 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 14 сентябрь

## Президент Исроилга жўнаб кетди

4 сентябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Исроилга жўнаб кетди.

Ташриф олдидан Ислом Каримов Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари вакилларига қисқача интервью бериб, жумладан, бундай деди:

- Исроил гарчи ҳудуди жиҳатидан кичик давлат бўлса-да, саноат, илм-фан, қишлоқ хўжалиги соҳалари бўйича жаҳондаги тараққий этган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун Исроил билан ҳар томонлама муносабатларнинг ривожланиши Ўзбекистон учун катта фойда келтириши мумкин. Масалан, пахтачилик соҳасида ҳамкорлик қилишнинг фойдали жиҳатларини олиб кўрайлик. Юртимизда ҳар гектар пахта майдонидан 27-28 центнердан ҳосил олинади. Исроилда эса бу кўрсаткич 70 центнерга яқин.

Кўриниб турибдики, биз бу борада ҳамкорлик қилсак, асло ютқизмаймиз.

Шунингдек, электроника, автоматлаштириш, кимё, юксак технология соҳасида Исроил эришган ютуқлар Ўзбекистонда ҳам тадбиқ этилса, яъни шу асосда ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилса, юртимизнинг эртанги кунини яратишда катта муваффақиятларга эришиш мумкин бўлади.

Тарихдан маълумки, ўзбек халқи иккинчи жаҳон уруши йилларида қатағон қилинган 250 мингдан ортиқ яҳудийни ўз бағрига олиб, улар билан сўнгги бурда нонини баҳам кўрган. Шунинг учун уларнинг бугунги кунда Исроилда яшаётган авлодларининг Ўзбекистонга ҳурмати баланд. Бу эса икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашда асосий омиллардан бири бўлади.

Тошкент аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов, Бош вазир Ўткир Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

/ЎзА/

## РЕСПУБЛИКА КАСАБА УЮШМАЛАРИДА

**Ўзбекистон ёнилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси томонидан «Оила йили»да меҳнаткашларни кўнгилли дам олишларини ташкил этиш, соғломлаштириш ҳамда ижтимоий ҳимоялаш базасида ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Йил бошидан буён тармоқнинг фақатгина геология соҳаси бўйича ижтимоий ҳамда маданий-маиший соҳаларини ривожлантириш учун 62,5 миллион сўмлик маблағ сарфланган. Шу жумладан «Чотқол» санаторийсини таъмирлаш учун 39,5 миллион сўм, «Геолог» болалар оромгоҳи учун 4,8 миллион сўм ишлатилган. Ўз навбатида сарф-ҳаражатлар ўзини оқламоқда. Йил бошидан буён «Чотқол» санаторийсида 1230 нафар ходим ўз саломатликларини тиклаб олишди. Болалар оромгоҳида эса тармоқ меҳнаткашларининг 2800 дан зиёд фарзандлари ёзги мавсумда мириқиб дам олишди.**

* * *

Марказий қўмитанинг энергетика ва электрлаштириш тармоғи бўйича ишламаётган пенсионерларга 2 та энг кам иш ҳақи миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, тармоқ ходимларининг 372 нафар фарзандлари шартнома асосида республикамизнинг олий ўқув юртларида билим олишмоқда. Айни пайтда Тошкент шаҳрида тармоқ тиббий-санитария қисмини 30 ўринга кенгайтириш, 4 минг 730 кв,метр турар-жой бинолари қуриш, Таллимаржон ГРЭСида 150 ўринли шифохона бунёд этиш ишлари олиб борилмоқда.

* * *

**Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси қўмитасига қарашли корхоналарда биринчи маротаба оила қураётган ёшларга касаба уюшмаси ҳисобидан энг кам иш ҳақининг уч баробари миқдорида моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Жамоа шартномаларида белгиланганига кўра корхоналардаги янги уйга кўчаётган ходимларга ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда 2 кунлик таътил ҳам берилмоқда.**

* * *

Фарғона вилоятидаги «Кварц» ҳиссадорлик жамиятининг маъмурияти ҳамда касаба уюшмаси қўмитаси ташаббуси туфайли шу йил бошидан бери ишчи ва хизматчиларга бепул тушлик ташкил қилинганди. Мазкур корхонада меҳнаткашлар санаторий-профилакторийларда ҳам бепул даволанишмоқда.

**Р.НЕЪМАТОВ.**

## БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИНИ ТОПМОҚДА

**Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Европа-Кавказ-Осиё (ТРАСЕКА) транспорт тармоғини ривожлантиришга бағишланган Халқаро анжуманда сўзлаган нутқи республикамиз меҳнаткашларининг онги, шууридан чуқур жой олди. Улар давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган қимматли таклифларни якдил қўллаб-қувватламоқдалар.**
**Қуйида шу хусусдаги дил сўзлари баён этилган.**

Муҳтарам Президентимиз Ватанимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистонимизни жаҳон бозорига олиб чиқадиган энг қулай, энг қисқа йўллар ҳақида қайғуриб келмоқда. Мақсадга эришишнинг йўлларидан бири табаррук ота-боболаримиздан бизга мерос қолган қадимий йўлларни тиклашдан иборатдир. Ислом Абдуғаниевич Озарбайжон пойтахтида бўлиб ўтган Халқаро конференцияда сўзлаган нутқида «қадим-қадим замонлардаёқ ҳаёт кишиларни фақатгина савдо-сотиқ учун эмас, иқтисодий, маданий ва маънавий алоқаларни мустаҳкамлаш учун ҳам энг яқин йўлларни излашга мажбур этган» дея таъкидлаб ўтдилар. Биз - заршунослар улкан анжуманда муҳокама этилган лойиҳаларнинг муҳим ҳаётий аҳамиятини чуқур тушунмоқдамиз. Ишончимиз комилки, уларни иложи борича тезроқ рўёбга чиқариш учун Президентимиз мумкин бўлган ҳамма ишни қиладилар. Орзуимиз ушалсин. Европага чиқиш учун, кимларнингдир қош-қовоғига қараб ўтирмайлик.

Шу кунларда алоҳида ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаяпмиз. Қишлоқларимиз йил сайин чирой очмоқда. Ҳашар йўли билан иккита тиббиёт маскани қуриб битказилди. Энг чекка Кўкалла қишлоғимизнинг йўлларига асфальт ётқизилди. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш нуқталари кўпаймоқда. Фидойи деҳқон ўз меҳнатининг роҳатини кўраяпти. Қўзилатиш мавсумида юқори кўрсаткичга эришган моҳир чўпон Мўмин Қувондиқовга «Тико» автомашинаси мукофотга берилди. ТРАСЕКА дастурининг амалга оширилишига муваффақиятлар тилаймиз.

**Пардабой МАВЛОНОВ,**
**Қўшработ туманидаги «Зармитан» жамоа хўжалиги касаба уюшмаси қўмитаси раиси.**

* * *

Ўзбекистон ва бошқа қатор Марказий Осиё давлатларини бевосита денгиз коммуникацияларига олиб чиқадиган йўллар йўқ. Бу қанчалик кўп муаммоларни келтириб чиқаришини яхши тушунамиз. Озарбайжондаги Халқаро анжуманда Боку шаҳрида фаолият олиб борадиган доимий Котибиятнинг ташкил этилишини қутлаймиз. Айни пайтда ТРАСЕКА банкини тузиш ғояси ҳам маъқулланди. Демак, буюк ипак йўли бугун яна ўша тарихий аҳамиятини топаётир. Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатларининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви имкониятларининг кенгайиши унинг иштирокчиларига муваффақиятлар келтиради.

**Солижон МАДАМИНОВ,**
**Бўка туманидаги «Кўкорол» жамоа хўжалиги бригадири.**

*«Президент Кубоги»*

## ДУНЁВИЙ НУФУЗИ БАЛАНД



Ҳур Ўзбекистонимизда 1994 йилдан буён «Президент кубоги» учун халқаро мусобақалар зўр муваффақият билан ўтказилиб келинмоқда. Ана шу мақсад учун хорижликларга ҳам бағоят манзур бўлаётган «Юнусобод» теннис кошонаси бунёд этилди. Қувончлиси шуки, совриндорлик баҳсларининг дунё миқёсидаги аҳамияти тобора ортиб бораяпти. Бешинчи Тошкент корти беллашувларида иштирок этадиган теннисчилар рўйхатига назар ташласангиз бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз.

«Юнусобод» теннис ўйингоҳи бугун ишқибозларни ўз бағрига чорлаган. Халқаро талабларга тўла мос келадиган шарт-шароитлар ҳар қачонгидек бу гал ҳам меҳмонларни мамнун этди. Пойтахтимиздаги тобора оммалашиб бораётган кучлилар турнири юксак савияда ўтиши учун Германиядан мутахассислар таклиф этилган. Бундан ташқари махсус шифокор ҳам бор.

Кескин кураш остида ўтадиган мусобақага юртдошларимиз жуда яхши тайёргарлик кўрдилар. Айниқса Олег Огородовга катта умид билдирилмоқда. Темир Ғаниев, Маҳмуд Охунжонов, Дмитрий Томашевич, Вадим Куценколар ҳам бўш келишмайди албатта. Барчамиз турнир мобайнида ажойиб, ҳаяжонли онларнинг гувоҳи бўламиз.

* * *

Интерконтинентал меҳмонхонасининг мажлислар залида матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон теннис Федерацияси президенти Рустам Иноятов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг «Президент кубоги» халқаро турнир ташкилотчиларидан бири исроиллик бизнесмен Сассон Какшури, Бутунжаҳон теннис ассоциацияси вакили жаноб Кейси ҳамда ўтган йилги Президент кубоги халқаро турнири финалчиси швейцариялик Марк Россет, россиялик моҳир теннисчи Марат Сафин ва ҳамюртимиз Олег Огородовлар журналистлар саволларига жавоб беришди. Шундан сўнг турнир иштирокчилари ўртасида қуръа ташланди. Жаҳон теннис таснифида юқори поғоналарни эгаллаб турган Евгений Кафельников, англиялик Тим Хэмман ва франциялик Сэдрик Пиолинларнинг ташрифи Президент кубоги халқаро турнирининг рейтингини оширди.



Суратда: қуръа ташлаш пайти.

Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.

## РОССИЯ: БЕҚАРОР ДАМЛАР

*Факт ва шарҳ*

### ТАҲЛИКА

Сўнгги бир ой ичида Россияда вазият тубдан ўзгариб кетди. Бир томондан ҳокимият тепасидаги сиёсий ўйинлар авжига чиққан бўлса, иккинчидан, аҳолининг кун кўриши ночорлашиб, турмуш даражаси кескин пасайди. Айниқса савдо дўконларида ва бозорларда кўз кўриб қулоқ эшитмаган ҳолатлар юз берди. Савдо шаҳобчаларида харидорларнинг тумонат навбати, ур-йиқит авжига чиқди. Ҳозир Россия савдо дўконларининг пештахталари бўм-бўшлиги яна ўша «дифицит» сўзини россияликлар тилига қайтгани бундан етти йил олдинги ҳолатни эслатиб турибди, деб ёзади «Труд» газетаси. Бу бир томондан нарх навонинг кун сайин ўсгани бўлса, иккинчидан хориждан келтирилаётган импорт маҳсулотларнинг кескин қисқаришида деб изоҳлашмоқда. Тирикчилик таҳликаси мамлакат миқёсини қамраб олди. Натижада керак, нокерак маҳсулотларни сотиб олиб, омборларга босиш оммавийлашиб кетди.

Куни кеча Москва яқинидаги Загорянский қўрғонида бир килограмм гречка 30 рублдан сотилди. Июль ойида унинг нархи атиги 4,50 рубл эди. Ўртадаги тафовутни чамаласангиз, унинг баҳоси етти баравар ошганининг гувоҳи бўласиз. Москвадаги аксарият озиқ-овқат дўконларининг пештахталарида гуруч, шакар, гречка, макарон, ўсимлик ёғи, сариёғ каби зарур озиқ-овқат маҳсулотлари кўринмай қолди. Борларининг ҳам нархи... Масалан, ўсимлик ёғининг килограмми 20 рубл эмас, 100 рублдан сотилмоқда. Беш баравар қимматлашганига қарамай, у ҳам бўлса ур-йиқит. Бир қоп шакар илгари 175 рублдан сотилган бўлса, ҳозир унинг нархи 500-600 рублгача кўтарилди. Шундан кўриниб турибдики, ширинликнинг баҳоси ҳам уч бараварга қимматлаб кетган. Бу нафақат Москвада, балки Ульяновскда, Ивановада, Санкт-Петербургда, Волгоградда, Саранскда, Чебоксарда ҳам нарх-наво ана шундай тез суръатларда ўсди. Айниқса август ойининг сўнгги кунлари Россиянинг кўплаб савдо шахобчалари турли баҳоналар билан дўконлари эшикларини тақа-тақ ёпиб қўйишди. Улар сентябр ойида рубль қадрсизланиши натижасида нарх-навонинг янада ошишини башорат қилган бўлишса не ажаб.

Мамлакатда нарх-навонинг узлуксиз ошиши иқтисодий инқирозга олиб келмоқда. Россия матбуотининг ёзишича, кунини зўрға ўтказиб турган, ночорлар армияси июль ойида 32 миллионни ташкил этган бўлса, сентябр охирига бориб бу рақам 40 миллионга етиши кутилмоқда. Ёппасига қашшоқланиш мамлакатда хавфли тарзда кучайиб бормоқда. Бунинг оқибатикишилар ўртача умр кўришининг қисқаришига, аҳоли ўртасида турли оғир, юқумли касалликларни кучайишига, шу билан бирга жиноятчиликнинг тез ўсишига сабаб бўлмоқда. Бир сўз билан айтганда оддий халқ баъзи бир сиёсатдонларнинг сиёсий ўйинлари қурбони бўлмоқда.

### ЎРМОНГА ЎТ КЕТСА...

Ҳукумат тепасидаги сиёсий ўйинлардан фақат оддий халқ азият чекмоқда, холос. Мамлакатдаги баъзи мактабларда, ўқув юртларида, билим даргоҳларида ўқитувчилар янги ўқув йилини бошлаш ўрнига меҳнат ҳаққини талаб қилиб кўчага, митинга чиққан. Ёшларни тарбиялаш, уларга билим бериш, ўқитиш ишлари мураббийларни қизиқтирмай қўйган. Чунки, оч қорнига нима ҳам ёқарди. Россиялик тиббиёт ходимларига ҳам осон эмас. Дорихоналарнинг пештахталари сезиларли даражада камбағаллашган. Мамлакат дори-дармон омборларида яна икки ойга етадиган, дорихоналарда эса шу ой охиригача етадиган дори-дармонлар бор, деб ёзади «Труд» мухбири. Агар ҳаёт шу тахлит давом этаверса, яқин кунларда касалхоналарга дори-дармонлар етказиб берилиши бутқул тўхташи мумкин. Бошқирдистондаги касалхоналарда дори-дармонлар, боғлов мосламаларининг етишмаслиги туфайли режадаги операциялар тўхтатилган. Натижада беморлар тиббий ёрдам олишдан кафолатсиз қолмоқдалар, «буни ҳеч ким қонунан маън қилмаган, иқтисодий қийинчилик, дори-дармонларнинг тақчиллиги туфайли фақат оғир касалларни даволаб турибмиз», дейди «Труд» мухбирига Бошқирдистон соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Владимир Певцов. Шундай ҳам россиялик шифокорларга осон эмас. Улар ҳам бир неча ойдан буён маош олишмаган. Давлатнинг ишчилардан, айниқса кончилардан қарзи миллиард-миллиард рублни ташкил этади. Натижада меҳнат ҳаққини талаб қилиб иш ташлашлар Россияда рекорд даражасига кўтарилган. Айниқса пенсионерларнинг аҳволи ниҳоятда ачинарли. Бугун ҳукуматнинг улардан қарзи 23 миллиард янги рублдан ошиб кетган,-деб ёзади «Российская газета».

(Давоми 3-бетда)

*Иқтисодий мерос сарчашмалари*

# ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ: РАИЯТ УЧ НАРСА КУТАДИ

**Атоқли давлат арбоби, илк туркий достоннавис Юсуф Хос Ҳожиб 1020 йили Қорахонийларнинг марказий шаҳарларидан бири Боласоғунда туғилади (оламдан ўтган йили номаълум). Бўлажак мутафаккир ўз давридаги барча билимларни, араб ва форсий тиллар ҳамда ундаги адабиётларни пухта эгаллайди. У 1069-1070 йиллари орасида «Қутадғу билиг» (Қутга, яъни бахт-саодатга эриштирувчи билим») асарини ёзиб, Қорахоний ҳукмдор Тавғочхон Буғрохонга тақдим этади. Хон Юсуфга «Хос Ҳожиб» (эшик оғаси) деган мартабани инъом этади. Бу фалсафий-дидактик асарда марказлашган давлат тузиш, уни мустаҳкамлаш, низо ва адоватларга барҳам бериш каби маъмурий-хўжалик ҳамда маърифат, ободончилик, моддий-маънавий ва бошқа адолатли ҳукмрон, давлатни тадбир билан бошқариш, илм ўрганиш, касб-ҳунар эгаллаш, халқ ғамини ейиш ҳақидаги фикрлар юритилади.**

Бизгача донишманднинг фақат бир асари етиб келган, аммо бу асарда шундай дурдоналар тўпланганки, уларга қойил қолмай илож йўқ. Асар 13 минг мисра (насрий ва назмий муқаддимадан ташқари) - 73 бобдан иборат. Унда инсон тафаккурининг барча жабҳалари бўйича сўз юритилади ва ниҳоятда қимматли фикрлар баён этилади. Китобда берилган бу ғоялар ўз даври учун ва айниқса ҳозирги давримиз учун ҳам ниҳоятда қадрлидир.

Айниқса иқтисодиёт масалалари бўйича давлат ва раият муносабатларини синчиклаб ўрганган. Асар 18 ой - бир ярим йилда ёзиб тугалланган (Боласоғунда бошланган ва Қашқарда ниҳояланган) бўлса ҳам, уни яратиш учун жуда узоқ вақт тайёргарлик кўрилган.

Донишманд фикрича, эзгу орзуларга фақат тоат-ибодат билангина етишиб бўлмайди, бунинг учун талай эзгу ишлар қилиш, фойдали фаолият кўрсатиш керак, деган фикрни илгари суради.

Борлиқ ҳақидаги билимларга тўхталиб, одам билиши мумкин бўлмаган нарса, билим билан ечилмайдиган жумбоқ йўқ, билим туфайли осмон сари ҳам йўл очилади, дейди. Билиш учун эса тинмасдан ўрганиш лозим, деб уқтиради.

Таниқли иқтисодчи Адам Смитнинг иқтисодий таълимотига кўра (18-аср), мамлакатни иқтисодий бўҳрондан чиқариш учун уч нарса: 1) тинчлик-осойишталик; 2) меъёридаги солиқлар ва 3) иқтисодий эркин фаолият юритиш имкони талаб этилади. Ана шу ғоя аслида бизнинг мутафаккир томонидан етти аср аввал баён этилган.

Халқ, раият мамлакат ҳукмдоридан уч нарсани кутади, деб уқтиради Юсуф Хос Ҳожиб. Булар: пулнинг қадрини кўтариш (ёки ушлаб туриш); халққа хусусий мулк ҳуқуқини таъминловчи қонунларни жорий этиш ва йўлларни ўғри-қароқчилардан муҳофаза қилиш. Шоҳ эса фуқаролардан солиқни вақтида тўлашни (ҳозирги кунда ҳам ниҳоятда долзарб), чиқарган фармон, қонунларини бажаришни ҳамда дўстига дўст, душманига душман бўлишни талаб қилади, деб ёзади. Кўриниб турибдики, бунда жамият ва сиёсий ҳокимият мутаносиб бўлиши зарурлиги ғояси аниқ ифода этилади.

Пулнинг қадрли бўлиши ҳақидаги ғоя, аслини олганда инфляция муаммоси билан чамбарчас боғлиқ, баҳоларнинг мўътадиллиги ҳам таъмин этилади. Бу ўз навбатида инқирозсиз иқтисодиёт, эркин муомаладаги валюта масалаларига бориб тақалади.

Хусусий мулк ҳуқуқини таъминлаш бозор муносабатларининг бош унсуридир, мулкка эгалик ҳисси тараққиёт омили сифатида бутун жаҳон ривожи асосида исботланди ва ҳозирги даврда республикамизда ҳам жадаллик билан амалга оширилмоқда. Давлат, умумхалқ мулкига оммавий ўтишнинг салбий оқибатларини собиқ шўролар даврида бошимиздан кечирдик.

Йўлларни ўғрилардан муҳофаза қилиш-ички ва айниқса ташқи савдо (экспорт, импорт)ни таъминлаш ва қўллаб-қувватлашнинг худди ўзгинасидир. Бу ерда савдонинг халқ хўжалиги учун устивор аҳамияти тўғрисида гап юритилади.

Ҳозирги даврда бу ғоялар мустақил Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг асосини ташкил этади. Бу ғояларнинг амалий аҳамияти айниқса Соҳибқирон Амир Темур фаолиятида ёрқин намоён бўлган.

Юсуф Хос Ҳожиб барча имтиёзлардан маҳрум камбағал табақалар аҳволига ачиниш ҳиссини изҳор қилади. Ҳоким табақа вакилларини уларга нисбатан меҳр-шафқатли, инсоф-адолатли, марҳаматли бўлишга, айни пайтда раиятни ҳокимларга бўйсунувчи, садоқатли бўлишга чақирилади. Мана шундай келиштириш йўли билан осойишта ҳаётга эришишга умид билдирилади ( бу эса иқтисодий ривож учун ҳам зарурий шартдир).

Китобдаги ғоялар дунёдаги ҳамма ишларда қўл келади. Унда мулк тутишнинг сиру-асрори, мамлакатни идора қилиш тартиби, шарти, шунингдек, мол-мулк, эл-юртнинг мангу қолиши, гуллаб-яшнаши ва унинг хароб бўлиш белгилари берилган.

Айниқса касб-ҳунар аҳлининг фаолиятини юқори баҳолайди, «Бир йигитга қирқ ҳунар оз» боби худди шу масалага бағишланган.

Вазир, қўмондон, элчи ва бошқа ҳукмдорларнинг фаолият мезонлари диққатга сазовор. Масалан, «Вазир кўзининг тўқ бўлиши уни ҳар хил мол-мулк олдида сукланишдан асрайди. Кўзи оч одам бор оламни еса ҳам тўймайди».

Деҳқон, савдогар, чорвадор, оддий меҳнаткаш аҳли тўғрисида нодир фикрлар билдирилади, «Булар билан яқин бўлгин ҳамиша, то томоқ ташвишин билмасдан яша», деб айтилади.

Айниқса билим ва ақл-идрокка, шу соҳа соҳибларига катта эътибор берилади. «Одамзод наслининг улуғлиги билимдан. У ақл-идрок туфайли неча-не тугунларни ечишга қодир», деб ёзади аллома. Ақл-идрок эгаларининг нафи ҳар доим кўпчиликка тегиб туради. Билим эгалари эса элда азиз бўлади, ҳурмат қозонади. Бутун ишлар ўқув-идрок билан амалга ошади. Барча мураккаб ишлар билим билан ҳал этилади. Кўриниб турибдики, юртимизда иқтисодий ривожланиш бўйича танланган ўз йўналишимизда ҳам ёшларнинг билим олишига, жаҳон халқлари тажрибасини ўрганишга кенг имкониятлар яратилаётир. Бу танлаган йўлимизнинг тўғрилигидан далолат беради.

**Абдухалил РАЗЗОҚОВ,**
**профессор.**

# РОССИЯ: БЕҚАРОР ДАМЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Россиядаги иқтисодий таназзул нафақат камбағалларга ёки боқимандаларга, балки бозор иқтисоди механизмининг асоси бўлган кичик ва ўрта тадбиркорлар фаолиятига, ишбилармонлар ҳаракатига ҳам катта зарба етказди, деб ёзади «Известия» газетаси. - Шу йил бошида Санкт-Петербургдаги кичик корхоналарда 700 мингдан ортиқ киши меҳнат қилаётган эди. Иқтисодий таназзул ўнлаб, юзлаб кичик ва ўрта тадбиркорлар фаолиятига болта урди. Натижада улардаги ишчи ва хизматчилар мамлакатдаги ишсизлар армияси сафини кенгайтирди.

- Бундай яшаш мумкин эмас, - дейди Вологда тижорат компанияси бош директори Евгений Лобин. - Биз иқтисодий имкониятларимизни ҳисоб-китоб қилиб кўрсак, бундай иқтисодий таназзул ҳолатида ишлай олмас эканмиз. Натижада акциядорларимиз билан келишган ҳолда компаниямиз фаолиятини буткул тўхтатишга қарор қилдик.

Саратовдаги «Айвиста» йирик қурилиш фирмаси раҳбарларининг ҳам кайфияти яхши эмас, деб ёзади «Известия». Фирма директори ўринбосарининг айтишича, мамлакатдаги нархнавонинг кўтарилиши туфайли қурилиш материалларининг нархи ҳам 2,5-3 бараварига ошиб кетган. Натижада қатор иншоотларда қурилиш ишлари тўхтатилган. Қурилиш давом этаётганларида ҳам меҳнат мароми кескин пасайган. Иш ҳаққини бериш қийин кечганлиги туфайли кўплаб малакали қурувчиларни ишдан бўшатишга тўғри келган.

## ...ЧЕКИ-ЧЕГАРАСИ БОРДИР

Таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, Россияда 1998 йил июнь ойидан сентябрь ойигача ўртача иш ҳақи уч бараварга пасайган. Нега шундай бўлди: давлатнинг қисқа муддатли облигациялари (ГКО) билан қилинган молиявий пирамидалар ҳисобига нореал фоизлар, мамлакатга кириб келаётган чет эл сармоялари ва дунёнинг йирик молия ташкилотларининг кредитларини ишлаб чиқариш соҳасига жалб қилиш ўрнига четдан истеъмол буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келиш; уни сотишдан тушган нақд валютани турли кўзбўямачилик йўллари билан четга ташиш оқибатида бугунги аянчли аҳволга тушилмадимикин?

Россиянинг нақд пул қиймати бугунги кунда тахминан 370 миллиард рублни ташкил этади. Олтин захираси эса 12 миллиард доллардан сал ошади. Бундан келиб чиқадики, бир долларнинг ўртача қиймати 28-29 рублга тенг. Мутахассисларнинг фикрича, яқин орада худди шу кўрсаткичга келинади. Черномирдин таъбири билан айтганда бордию ҳукумат бу ҳолни ўз назоратига олганда ҳам, доллар қиймати йил охирига келиб, 33-35 рублга етади. Шундай қилиб, импорт маҳсулотлари 4-6 баравар, умумий нарх-наво 200-300 фоизга ошиши эҳтимолдан холи эмас. Бундай оғирликни миллионлаб оддий фуқаролар кўтара олармикан?

Бугун россиялик сиёсатчилар, иқтисодчи олимлар мамлакат бозор иқтисодига асосланган аниқ дастурига, тараққиёт йўлига эга эмаслигини англаб етди. 1991 йилда Егор Гайдар командаси ғарблик иқтисодчилар маслаҳатига кўра «Шоковая терапия», яъни Польша иқтисодий ислоҳотлар йўлини ҳукуматга тавсия этганини ҳамма яхши эслайди. Унинг натижаси ўлароқ рус халқи оғир иқтисодий бўҳронга тушиб қолди. Тирикчилик ғамида юрган халқ етти йил ичида буткул ҳолдан тойди. Эндиликда россиялик бир гуруҳ олимлар хорижлик мутахассислар ҳамкорлигида «Аргентина мўъжизаси» ривожланиш йўлининг Россия иқтисодини ўнглашга мўлжалланган режаларини ишлаб чиқмоқдалар. Ушбу иқтисодий тизим Аргентина, Гонгконг, Литва ва Эстония иқтисодиётида татбиқ этилган бўлиб, айниқса Аргентинада ўз самарасини берган. Лекин, Россия Аргентина эмас, аҳолиси сони жиҳатидан ҳам, табиий шарт-шароити-ю, меҳнат ресурслари жиҳатидан ҳам тубдан фарқ қилади.

## ...ВА НИҲОЯТ

Ўтган икки ҳафта айниқса Россия учун ниҳоятда таҳликали кечди. Ҳукумат икки ҳафта Бош вазирсиз ишлади. Мамлакат парламенти Виктор Черномирдин номзодини қўллаб-қувватламади.

- «В.Черномирдиннинг билим ва тажрибаси ҳали бизга кўп керак бўлади, деди ўзининг телевидение орқали чиқишида Борис Ельцин. - Мен ундан хурсандман, шунча воқеадан кейин ҳам ҳеч гап сўзсиз у ҳукуматга қайтди, лекин парламентда бирор-бир ёрдам бўлмаслигини тушуниб етган Виктор Степанович ҳукумат раислигига қўйилган ўз номзодини қайтариб олди. Сўнгра Россия Президенти Давлат Думаси раиси Г.Селезнёвга хат йўллаб, мазкур лавозимга Ташқи ишлар вазири Евгений Примаков номзодини тавсия этди. Б.Ельциннинг юборган хати россиялик ишбилармон ва сиёсий доираларда катта шов-шувларга сабаб бўлди. - «Бу ўта ақлли қарор» деб таъкидлади Дума раиси Г.Селезнёв. Е.Примаков мамлакатда яхши ном қозонган ўткир сиёсатчи ва росмана ишлайдиган кабинетни ташкил эта олишини мухбирларга гапириб, унинг номзоди айниқса парламентнинг барча фракциялари ва депутатлар гуруҳини қаноатлантиришини таъкидлади. Бир неча кунлардан буён катта баҳс-мунозараларга, тортишувларга сабаб бўлиб келаётган ҳукумат раиси лавозими ўз эгасини топди. Евгений Примаков Россия ҳукумати раиси этиб тайинланди. Россия Давлат Думаси раиси Г.Селезнёвнинг айтишича, Е.Примаковнинг номзодини либераллар партиясидан бошқа барча фракциялар ва депутатлар гуруҳи қўллаб-қувватлаган. Коммунистлар фракцияси аъзоси, собиқ саноат ва савдо вазири Юрий Маслюков унинг биринчи ўринбосари этиб тайинланди. Е.Примаков Россия ҳукуматининг раиси этиб тайинланиши муносабати билан АҚШ, Германия, Англия, Франция, Япония каби дунёдаги йирик давлатларнинг ҳукумат раҳбарлари, ташқи ишлар вазирлари ва иқтисодчи олимлари Россия иқтисодида энди ўнгланиш бўлишига умид уйғонганини билдиришди. Масалан, Германия ташқи ишлар вазири Клаус Кинкель «Е.Примаков ғарб сиёсатчиларининг ишончини қозонган. Унинг ҳукумат раҳбарлигига тайинланиши европалик сармоядорларнинг эътиборини Россияга жалб этиши шубҳасиздир», деб таъкидлади.

Дарҳақиқат, янги ҳукумат раҳбари мамлакатдаги иқтисодий муаммоларни ҳал этишга, барқарорликни таъминлашга, аҳоли турмуш даражасини кўтариш учун астойдил ҳаракат қилишига шубҳа йўқ. Е.Примаков вазифага киришар экан, мамлакатни иқтисодий таназзулдан олиб чиқиш учун барча сиёсий кучларни бирлаштириб, бутун чора-тадбирларни кўришини, айниқса, ҳукуматнинг диққат-эътиборини бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришга, оддий халқнинг турмуш тарзини, моддий аҳволини яхшилашга қаратишини таъкидлаб ўтди. Бунинг учун унда етарли тажриба ва малака борлигини юқоридаги фикрлар ҳам тасдиқлаб турибди.

**Зариф МИРЗАҚУЛОВ.**

*Таҳлил, таклиф*

# ДИВИДЕНД ҚЎШИМЧА РАҒБАТ-КУ!...

**Бугунги ғарқ пишиқчилик кунларида бозорларни айланар экансиз, юртимиз боғ-роғлари-ю, далалари саховатидан пештахталар тўлиб, серобчилик бошланганига гувоҳ бўласиз. Жиззах шаҳридаги «Кўк бозор» ҳам бугун ҳар галгидан гавжумлашган. Кимдир харид учун, яна кимдир маҳсулотини сотиш учун эрта тонгданоқ бозорга ошиқади.**

**«Кўк бозор» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси Аброр Ҳакимов билан бўлган суҳбатимиз энг аввало акцияларга тўланаётган дивидендлар ҳақида борди. Маълум бўлишича, 1996 йил якуни бўйича номинал қиймати 500 сўмлик бўлган ҳар бир акцияга 47 сўмдан дивиденд тўланган. Ўтган йил якуни бўйича эса шу қийматдаги акцияларнинг ҳар бирига 96 сўмдан дивиденд тўланиши ҳисоб-китоб қилиб қўйилди. Лекин мақсадга эришилмади. Кейин сертификат кўринишидаги акциялар ўрнига 11 минг 270 дона янги кўринишдаги акциялар чиқарилди. Ҳозиргача уларнинг 376 донаси эркин савдода сотилган, жамоаники эса 840 тани ташкил этади. Қолган акциялар эса «Вақт» депозиторийсида рўйхатдан ўтказилиб, биржалар орқали сотувга тайёрланмоқда.**

**Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Хўш, нега акциядорлар дивидендларни ҳозиргача ололмаяпти? Ёки ҳиссадорлик жамиятининг иқтисоди ночорми?**

**Яна фактларга мурожаат қиламиз. Ҳафтанинг олти кунида савдо сотиқ бўлиб турибди. Кунлик тушум бир марталик патта тўлови ҳамда хизмат кўрсатиш ҳисобидан 52-60 минг сўмни ташкил этади. Айниқса, сешанба, жума кунлари бозор гавжумлиги янада ортади. Бозорда жами 1047 та савдо ўрни бўлиб, ҳар бир ўрин учун ўртача 40 сўмлик патта берилаяпти.**

**Ҳафтанинг сешанба кунида бозорни кузатдик. Савдо расталаридан жой ололмаган ўнларча деҳқонлар одамлар қатнайдиган, шундоқ ҳам тор бўлган йўлаклар чеккасида ерга харидорлар билан олди-сотди қилишаяпти. Уларнинг аксарияти маҳсулотни ошхона тарозисида ўлчаб беришади.**

**Тўғри, Жиззах шаҳар ҳокимлиги мазкур бозорда ҳам етарли тартиб ўрнатишга ҳаракат қилаяпти. Бу борада тегишли қарорлар қабул қилган. Масалан, шаҳар ҳокимининг фармойиши шу йилнинг 2 июли куни қабул қилинди. Унда таъкидланишича, «хўл мевалар савдоси» очиқ павильонида тижоратчилар савдоси фаолиятини икки ой муддатга (июль-август) тўхтатиб қўйилиши, деҳқончилик маҳсулотлари савдосига янада кенгроқ эътибор берилиши таъкидланиб, унинг ижросини таъминлаш шаҳар ички ишлар бўлими (бошлиғи У.Шомуродов) ҳамда шаҳар солиқ инспекцияси (бошлиғи С.Абдуллаев)га юклатилганди. Афсуски, фармойиш ижросиз қолди. Бой берилаётган имкониятларни шу ердан қидирса бўлади. «Кўк бозор» атрофида, айниқса, темир йўл устида фуқаролар бемалол савдо-сотиқ ишларини давом эттиришаётганлиги кишини ажаблантиради.**

**Ҳиссадорлик жамияти томонидан сўнгги пайтларда амалга оширилаётган бир қатор ижобий ишлардан кўз юммаган ҳолда айтмоқчимизки, ҳали фойдаланилмаётган ички имкониятлар бисёр. Бизнингча, шулардан энг муҳими чиқарилган қимматбаҳо қоғоз-акцияларни ўз эгаларига етказиш, акциядорларга вақтида дивидендларни тўлаб бориш орқали фаолиятни янада яхшилашга эришиш. Бунинг учун ташкилотчилик фаолиятини кучайтирмоқ зарур.**

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Санация - сўнгги имконият*

# ОРТИҚЧА ИШЧИ КУЧЛАРИ ХИЗМАТ СОҲАСИГА

Ангор туманидаги Ш.Рашидов номли фермерлар уюшмасида хўжалик фаолиятини молиявий соғломлаштириш юзасидан белгиланган тадбирлар изчил амалга ошириляпти. Аввало ортиқча ишчи кучлари қисқартирилиб, улар хизмат соҳасига, янги ташкил этилган цехларга, кичик корхоналарга ўтказилди. Масалан бошқарув аппарати 33 кишига, деҳқончиликда фаолият юритаётганлар эса 575 нафарга камайтирилди. Шу тариқа иш ҳақининг ўзидан 500 минг сўм тежалди.

Хўжаликда иқтисодиётни юксалтиришнинг омилларидан унумли фойдаланилмоқда. Жумладан фойдаланилмай ётган битта уй «Эркин» деҳқон-фермер хўжалигига сотилди. Тўртта «Нива» комбайни, битта маккажўхори ўрадиган ҳамда пахта териш техникаси туман машина-трактор паркига ўтказилди. Уларнинг баланс қиймати 4 миллион 934 минг сўмдан ортиқроқни ташкил этди. Тадбиркорлар таклифи ҳамда касаба уюшмаси ташаббуси билан икки йилдан бери фойдаланилмай ётган ғишт заводи ҳамда охак цехи қайтариб олиниб яхшилаб таъмирланди. Уларга ҳамда хизмат соҳаларига 100 киши жалб этилди.

Жорий йилнинг бошида хўжаликнинг дебитор қарзлари 7 миллион 350 минг сўм эди. Беш ойдаёқ изланиш, омилкорлик туфайли 5 миллион 415 минг сўм ундирилди. Ғаллачиликдаги ютуқлар фермерлар уюшмаси қаддини тиклади. Таъкидлаш жоиз, хўжалик касаба уюшмаси қўмитаси меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг синалган усулларидан кенг фойдаланди. Ғалла ўрим-йиғими даврида алоҳида намуна кўрсатганлар муносиб тақдирланди. Моддий манфаатдорлик ғоят зарур. Аммо энг муҳими инсон қадр- қимматининг ўрнига қўйилишидир. Ўзларига яратилган имкониятлардан руҳланган Йўлдош Нуриддинов, Тўхта Бозоров, Мусурмон Сатторов каби комбайнчилар сидқидилдан тер тўкиб ҳар бирлари 300 гектар ердаги ғаллани ўриб-янчиб бердилар. Асл миришкорлар - Тўра Алиев, Соат Туробов, Соат Бакировлар гектар ҳосилдорлигини 45 центнерга етказдилар.

Ҳозирги кунда бутун диққат эътибор пахта йиғим-теримига қаратилган. Суръат кун сайин ўсиб бормоқда. 400 гектар ердаги ғўзалар ёғингарчиликлар туфайли шикастланганди. Бироқ тажрибакорлар, мутахассислар ёрдамида аҳволни ўнглаб олдик. Худди шу майдонлардан камида 30 центнердан хирмон кўтарамиз деб турибмиз.

Яхши кайфият, ҳамжиҳатлик бор жойда ташаббуслар юзага келади. Мулкдорлар синфининг истиқболли вакиллари бўлмиш фермерлар жонбозлиги шарофати билан Коракир массивидан 50 гектар ер ўзлаштирилди. У ерда дастурхонимиз учун зарур бўлган маҳсулотлар етиштириляпти. Эртаги карам, тарвуздан ҳам катта даромад қилинди. Ободончилик ишлари жонланиб кетди. 14 километрлик сув қувурлари тортилди. Энг муҳими ишлаб чиқариш билан бир қаторда хизмат соҳаси ҳам изчил ривожланяпти.

**Худойберди БАКИРОВ,**
**фермер.**

*Мустақиллик одимлари*

# Янги аср йўли

Тиёншон тоғи этагидаги Қамчиқ /денгиз сатҳидан 2268 метр баланд/ ва Резак /ундан сал пастроқ/ довонларида қурилаётган ер ости йўлларини ўзбек автомобилчиларини Йигирма биринчи асрга олиб чиқадиган йўл, дейиш мумкин.

Қояларни тешиб ўтиш осон эмаслигини ҳамма билади...

Бу - чиройли гапнинг ўзигина эмас. Жаҳондаги етук экспертларнинг башорат қилишларича, янги асрда иқтисодиёти тез юксалиши кутилаётган республикамиз учун бу йўл нақадар муҳим аҳамиятга эга экани барчага аён, албатта.

Мамлакатимиз харитасига назар ташласак, республикамизнинг барча минтақаларини гуллаб-яшнаётган гўзал Фарғона водийси билан боғлайдиган ягона йўл - шу йўл экани аён бўлади.

Машинада юрганлар республикамиздаги энг баланд довоннинг хусусиятини яхши билишади: қиш бошланиши билан апрел ойининг ўрталарига қадар қорнинг қалинлиги, муз, қорбўроннинг уриб туриши, 40 даражалик совуқ туфайли бу ердан умуман ўтиб бўлмайди, кўклам билан ёзда эса, сел ва кўчки хавфи кучаяди. Кузда ҳам аҳвол бундан яхши бўлмайди, албатта...

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Тошкент - Ўш йўлини Ангрен сув омборидан бошлаб то Фарғона водийси текисликларига қадар қайта қуриш ҳақида қарор қабул қилган, бу қарорда Қамчиқ ва Резак довонларида ер ости йўлларини қуриш ҳам кўзда тутилган эди.

1998-1999 йилларда бу ер ости йўллари ишга туширилиши билан улардан ҳар кеча-кундузда 12 мингта машина ўта олади! Узунлиги 891 метрлик Қамчиқ тоннели билан 368 метрлик Резак тоннелининг эни 12,5 метр бўлади ва улардан бир вақтнинг ўзида ҳар икки томонга машиналар қатнайверади.

- Энг хавфли жойлар анча тепада қолади, - дейди «Ўзавтойўл» концернининг қурилаётган объектлар дирекцияси бошлиғи ўринбосари Улуғбек Муслимов. - Янги йўл илгаригисидан 87 метр пастда бўлади. Ер ости йўллари қурилгани, сел хавфи бўлган жойларга тўсиқлар қўйилиши ҳамда сел оқимини ўтказиб юборадиган бошқа иншоотлар барпо этилиши туфайли бу йўл жаҳон андозаларига тўла жавоб беради.

Бу - республикамизнинг бутун ҳудудида автомобил ҳаракати хавфсизлиги таъминланади, деган гап!

Йўлнинг охири бўлмайди. Ер ости йўллари барпо этиш, тоғ довонларида янги йўллар қуриш ўзбек автойўлчиларининг одатдаги ишига айланган.

Бироқ, айни пайтда истиқбол ҳам унутилгани йўқ. Олдинда Буюк Ипак йўлини қайта тиклайдиган, ҳозирча учта мустақил давлатни бир-бири билан боғлайдиган замонавий Андижон Ўш - Урумчи йўли қурилиши турибди...

Янги - XXI аср йўли. У эртанги кунга қараб кетмоқда...

**Рустам Шагаев,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Муаллиф суратлари.**





